

ХИТОЙ ТИЛИДАГИ “九 九 – ТЎҚҚИЗ” РАҚАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7332603>

PhD. Акимов Таир

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Хитой филологияси” кафедраси ўқитувчиси
Akimov.t@mail.ru

Аннотация: Мақолада хитой тилидаги “тўққиз” рақами билан боғлиқ фразеологик бирликлар когнитив таҳлилга тортилди. Рақамлар билан келадиган фразеологик бирликлар хитой халқи миллий тафаккурининг ажралмас қисми сифатида миллий онг билан боғлиқ нутқ фаолиятини белгилайдиган асосий жиҳатлари сифатида қаралади. Рақамлар нафақат ҳисоб-китоб қилишида муҳим рол ўйнаб қолмасдан, тил соҳасида ҳам ўзига хос турли бой мазмунларни ифодалашга хизмат қилиб келмоқда. Тўққиз рақами билан келадиган фразеологик бирликлар “кенг, баланд, юксак, олий, совуқ, мушкул, азоб, хурсандчилик” каби маъноларни ифодалаб келади.

Калит сўзлар: маданият, менталитет, кенг, чуқур, баланд, юксак, хурсандчилик, мушкул, когнитив.

Annotation: The article conducts a cognitive analysis of idioms associated with the number "nine" in the Chinese language. Phraseological units associated with numbers are considered as the main speaking aspects associated with the national consciousness as an integral part of the national thinking of the Chinese people. Numbers play an important role not only in calculations, but also represents various meanings in the field of linguistics. Idioms with the number nine express such meanings as "wide, high, cold, difficult, pain, joy."

Keywords: culture, mentality, wide, deep, high, joy, difficult, cognitive.

КИРИШ

Когнитив – билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш манбаи бўлиб, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими когнитив таҳлил объектидир. Когнитив атамаси билимларни сақлаш ва тартибга солиш воситаси сифатида тушуналадиган ёндошувдир. Когнитив фанининг пайдо бўлиш санасини (Muers, Brown 1986) 1956 йилнинг 11 сентябр деб ҳисоблаган¹. Когнитив – тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча «cognitive – билишга оид» сўзи билан боғлиқ бўлиб, билмоқ, англамоқ, тушунмоқ, билиш назариясининг асоси, инсоннинг билиш фаолияти ҳақидаги фандир.

Профессор Шахриёр Сафаров “Когнитив тилшунослик” рисоласида тил ҳақида бундай фикр билдиради. “Тил тизимининг вазибалари ва инсон лисоний қобилиятини намоён этувчи омилларнинг амалдаги ҳаракати ҳақида кўплаб саволлар туғилиши табиий. Зеро, инсон дунёга келар экан, Оллоҳнинг бебаҳо инъоми – тил унинг хизматида бўлади. Бу инъом мўъжизакор ва бетакрордир”². Ҳақиқатан ҳам, тил ҳар бир миллатга Оллоҳ томондан берилган инъомдир. Ҳар хил тилда сўзлашувчи халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маданияти, менталитети бўлиб, булар фразеологик бирликларга синган бўлади.

Хитой тили узок тарихга ва бой луғат тизимига эга бўлиб, фразеологик бирликлар шулар жумласига киради. Фразеологик бирликлар сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган луғат хазинасидир. Минг йиллар давомида такоммилашиб, халқ ичига синган ва қўлланилиб келинаётган фразеологик бирликлар барқарор лексик бирликка айлангандир.

¹ <https://www.google.com>

² Сафаров Ш. “Когнитив тилшунослик”. Жиззах, «Сангзор» нашриёти. - 2006.

Бугунги жамият жадал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, инсоният рақамли ахборот даврига қадам қўйди. Рақамлар инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни тобора кучайиб бормоқда. Бир томондан, рақамлар инсоният ҳаётида нафақат ҳисоб-китоб қилишда қўлланилибгина қолмай, тил соҳамиздаги махсус вазифаларни ҳам бажариб келмоқда. Фразеологик бирликларда рақамлар иштирок этиб, турли бой маъно-мазмунларни ифодалаб ўз хизматини бажариб келмоқда.

Б. Йўлдашев фразеологик бирликлар асосан сўзлар бирикмасидан иборат, бошқача айтганда, фразеологизмлар тилнинг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, турғун сўз бирикмаларини ўз ичига олади³, деб таъриф берган. Фразеологик бирликлар эркин сўз бирикмаларидан ташкил топган бўлади. Мисол: “отдан тушмоқ” эркин сўз бирикмаси бўлиб, кўчма маънода “мансабдан тушмоқ; амалдан кетмоқ” деган маънони англатиб келади.

Фразеологик бирликлар Хитойда кўзга кўринган тилшунос олимлардан 马国凡 Mǎ Guófán “成语 фразеология” (1978); 向光忠 Xiàng Guāngzhōng “成语概说 фразеология ҳақида қисқача изоҳ” (1982); 孙维张 Sūn Wéizhāng “汉语熟语学 хитойча фразеологияни ўрганамиз” (1989) ва бошқа қатор мутахассислар томонидан ўрганилган ва ўрганиб келинмоқда. Хитой халқи томонидан асрлар давомида фойдаланган қолиплаган фразеологик бирликлар ёки қисқа жумлаларнинг аксарияти қадимги тарихий ҳикоялардан, шеърлардан, тарихий воқеаликлар, афсоналардан келиб чиққан бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.

Тилшунос олим Ш.Раҳматуллаевнинг “тилда ҳам шакл ва маъно бор”⁴ деганларидек, фразеологик бирликларда ўзига хос шакл ва панди насихатли чуқур мазмунлар касб этган бўлади.

Хитой тилида 0, 0.5, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 100, 1000, 10000 рақамлари билан келадиган фразеологик бирликлар жуда кўп учрайди. Хитой тилидаги рақамлар билан боғлиқ фразеологик бирликларда хитой халқининг маданияти, урф-одатлари, миллий анъаналари ва менталитетлари сингган бўлиб, ёзма ва оғзаки адабиётларида ва сўзлашув тилида кенг қўлланилиб келинмоқда.

2017- йили Пекинда чоп этилган “汉语成语大全 хитой тили фразеологик бирликлар қомуси” номли луғатда 45 000та фразеологик бирликни қамраб олган бўлиб, шулардан тахминан 3 667таси рақамлар иштирок этган фразеологик бирликлардир.

0	0.5	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	100	1000	10000
40	57	1464	196	412	103	122	45	105	71	90	120	297	321	209

Хитой тилидаги рақамлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар семантикаси ва тузилишига кўра мураккаб бирликлар бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилишимиз даркор.

Хитой тилида рақамлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар бирдан ўн минггача бўлган рақамлар иштирокида шаклланган. Биз мақоламизда, хитой тилидаги “тўққиз” рақами билан боғлиқ фразеологик бирликларнинг амалий ва назарий жиҳатларини ва уларни когнитив талқин қилишга ҳаракат қилдик. “Тўққиз” рақамини ўз ичига олган фразеологик бирликларнинг маъноси тўғридан-тўғри маъноларнинг оддий қўшилиши бўлмасдан, кўчма маънодаги семантика мавжуддир. Шунинг учун таркибида рақам қатнашган фразеологик бирликларнинг семантикасини изоҳлаш зарур.

Тўққиз рақами билан келадиган хитойча фразеологик бирликлар бир қанча маъноларни ифодалайди:

(1) “九”在成语中就有了表示“多、极多”的含义⁵ “Тўққиз” рақами иштирок этган фразеологик бирликларда “кўп, ниҳоятда кўп” деган маъноларни билдиради. Мисол:

九回肠断 jiǔ huí cháng duàn ~ ҳаддан ташқари оғриқ; қақшаб оғримоқ.

十羊九牧 shí yáng jiǔ mù ~ ўнта қўйга тўққизта чўпон; қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади.

一生九死 yì shēng jiǔ sǐ ~ бир тугилиб, тўққиз ўлмоқ; минг ўлиб бир тирилмоқ.

³ Yo‘ldoshev B. Frazеologizmlarning adabiy til normasi munosabatiga doir. -Т.:О‘ТА.1992.3-сон.-В.37-42

⁴ Раҳматуллаев Ш. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”. Тошкент, 1992. Б.3.

⁵ 张宪. 含数字“九”的成语中“九”的语义及其认知阐释 渤海大学 2016年 16页

九十其仪 *jiǔ shí qí yí* ~ одоб-ахлоқли; жуда чиройли. Бу фразеологик бирлик қадимда хитойлик қизлар турмушга чикқанда ота-онаси уларни ташқи кўрнишига эътибор беришни талаб қилишган. Юриштириши гўзал, мулойим бўлса, ҳамма у келинни чиройли, ахлоқли деб мақташган ва хурмат қилишган экан. Ҳозирги кунда ҳам ушбу фразеологик бирлик одоб-ахлоқли, мулойим, чиройли келинларга нисбатан қўлланилиб келмоқда.

(2) Тўққиз рақами фразеологик бирликларда “кўп” деган маънодан ташқари “қайғу, ташвиш, оғриқ” каби маъноларни ҳам англатади.

十病九痛 *shí bìng jiǔ tòng* ~ ўн касал тўққизта оғриқ; касал.

如今我的身子是十病九痛的, 你二嫂子也是三日好两日不好 *Rú jīn wǒ de shēnzi shì shí bìng jiǔ tòng de, nǐ èr sāozi yě shì sān rì hǎo liǎng rì bù hǎo*⁶ ~ Менинг шу кунларда мазам йўқ, иккинчи келин ойим ҳам уч кун яхши бўлса, икки кун ёмон.

十磨九难 *shí mó jiǔ nán* ~ “қийинчилик; мушкул; азоб” деган маъноларни билдиради. Маъноси, яхши одам бўлиш учун ҳаётнинг иссиқ-совуқларини, кўп қийинчиликларини, ташвишларни бошидан ўтказгандагина бошқаларнинг меҳнати қадрини билади ва уларга яхши муомала қилади.

要想成功大都要经过十磨九难的 *Yào xiǎng chénggōng dà dōu yāo jīng guò shí mó jiǔ nán de* ~ Агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсанг қийинчиликларни бошингдан ўтқазishing керак.

(3) Тўққиз рақами фразеологик бирликларда “程度之最 энг юқори даража” деган маънони ҳам билдиради. 三贞九烈 *sān zhēn jiǔ liè* ~ диёнатли; ифбатли. Бу фразеологик бирлик ифбатли, ростгуй аёлларга нисбатан қўлланилади.

九霄云外 *jiǔ xiāo yún wài* ~ тўққиз қават булутдан ташқарида; жуда узоқ.

我所有烦恼的事情都抛到九霄云外去了 *Wǒ suǒyǒu fánnǎo de shìqíng dōu pāo dào jiǔ xiāo yún wài qù le!*⁷ ~ Менинг бошимни оғригадиган барча ишлар узоқларга кетди!

一言九鼎 *yì yán jiǔ dǐng* ~ сўзи тарози босади; гапи ўтади; бир сўзли.

总经理的话一言九鼎 *zǒng jīnglǐ de huà yì yán jiǔ dǐng* ~ Бош директор бир сўзли одам.

(4) Тўққиз рақами фразеологик бирликларда “全 тўлиқ, 广 кенг” деган маънони ҳам билдиради.

九间朝殿 *jiǔ jiān cháo diàn* ~ императорни амалдорларнинг ҳаммаси хурмат қилади.

四海九州 *sì hǎi jiǔ zhōu* ~ бутун Хитой.

(5) Тўққиз рақами “高 gāo баланд, 深 shēn чуқур” деган маънони ҳам билдиради.

九泉之下 *jiǔ quán zhī xià* ~ тўққиз булоқнинг тагида; у дунёда.

孩子你一定要争气, 不然你爹就是在九泉之下也不安心啊 *Háizi nǐ yīdìng yào zhēngqì, bùrán nǐ diē jiùshì zài jiǔ quán zhī xià yě bù ānxīn ā!* ~ Болам сен, албатта, ҳаракат қилишинг керак, бўлмаса отанг у дунёда хотиржам бўла олмайди!

含笑九泉 *hán xiào jiǔ quán* ~ қувонч; хурсанд бўлмоқ.

九天仙女 *jiǔ tiān xiān nǚ* ~ жуда гўзал аёл.

一定好好学习, 好好做人, 一定让他的养父母含笑九泉 *yīdìng hǎohào xuéxí, hǎohǎo zuòrén, yīdìng ràng tā de yǎng fùmǔ hán xiào jiǔ quán* ~ Яхши ўқиса, яхши одам бўлса, албатта уни боққан ота-онасининг боши кўкка етади.

(6) 表示“至极的皇权 Тўққиз рақами “қирол ва ҳокимият” деган маънони билдиради.

九五之尊 *jiǔ wǔ zhī zūn* ~ тўқсон бешининг шарофати(ҳокимнинг шарофати).

Тўққиз рақами бошқа рақамлар билан ҳам келиб, ўзига хос маъно-мазмунларни ифодалаб келади:

тўққиз рақами бир рақами билан келган фразеологик бирликларда кучли қарама-қаршиликни билдиради.

⁶ 清·曹雪芹《红楼梦》第一百二回

⁷ <https://www.baidu.com>

一牛九锁 *yī niú jiǔ suǒ* ~ бир сигирга тўққизта қулф; кўздан қочирмаслик; қаттиқ контрол қилмоқ.
九牛一毛 *jiǔ niú yī máo* ~ тўққиз сигирнинг битта туки, тўққиз сигирдан бир дона тук. Бу ўзбек тилидаги “денгиздан бир томчи; арзимаган нарса” деган фразеологик бирлигига тўғри келади.
Тўққиз рақами уч рақами билан келиб “кўп, юқори, ниҳоятда кўп” деган маъноларни билдиради.
三公九卿 *sān gōng jiǔ qīng* ~ юқори мансабдорлар.
Тўққиз рақами уч рақами билан бирга келиб “совуқ” деган маънони ҳам билдиради.
冷在三九 *lěng zài sān jiǔ* – қаттиқ совуқ.
三九天 *sān jiǔ tiān* – қаҳратон совуқ кунлар.
Тўққиз рақами ўн рақами билан келиб, “强调 *qiángdiào* ~ таъкидламоқ” деган маънони билдиради.
十成九稳 *shí chéng jiǔ wěn* ~ юз фоиз ишончли.
十室九阄 *shí shì jiǔ kuī* ~ ўн хонанинг тўққизтаси бўш (камбағалчилик, ҳаётда қийинчилик, танқислик) деган маънода қўлланилади.
Фразеологик бирликларда иккита тўққиз келса, иккита нарсанинг фарқни кўрсатади.
九天九地 *jiǔ tiān jiǔ de* ~ Ер билан осмондек фарқ қилади.
他们那么富，我们这么穷，简直是九天九地之差 *Tāmen nàme fù, wǒmen zhème qióng, jiǎnzhìshì jiǔ tiān jiǔ dì zhī chā* ~ Улар шунчалик бой, биз бунча камбағал, ер билан осмондек фарқ қилади.
Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тўққиз рақами билан боғлиқ хитойча фразеологик бирликларнинг қандай маъноларда келиши таҳлилга тортилди. Тўққиз рақамини ўз ичига олган фразеологик бирликларнинг тузилиши шакли ўрганилди. Фразеологик бирликларда тўққиз рақами бошқа рақамлар билан келиб ҳар хил маъноларни англатиши, ҳамда тўққиз рақамли фразеологик бирликлар “ кўп, кенг, ниҳоят, тўла, ҳар хил, юқори даража, чуқур, фарқ, қудратли” каби маъноларни билдириши талқин қилинди. Рақамлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар миллий-маданий хусусиятларини ифодаловчи энг муҳим омил, миллатнинг маданияти, дунёкараши, турмуш тарзи, урф-одат ва удумларини ёритувчи, этик ва эстетик меъёрларини, оғзаки ва ёзма нутқдаги миллий кўчма маънодаги фразеологик бирликлар иштирокида акс эттирилади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”. –Тошкент, 1992. Б.3.
2. Сафаров Ш. “Когнитив тилшунослик”. –Жиззах, «Сангзор» нашриёти – 2006.
3. Yo‘ldoshev V. Frazeologizmlarning adabiy til normasi munosabatiga doir. – Т.1992.3-son. В.37-42
4. 张宪. 含数字“九”的成语中“九”的语义及其认知阐释 渤海大学. 2016年, 16页.
5. 清·曹雪芹《红楼梦》. 第一百二回.
6. Mavlyanova, U. K. The Degree of Study of Numerals by Scientists in the World.
7. Akmalovna, S. L. (2020). Attribution model of composition in modern Chinese (On the example of medical terms). *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(4), 3662-3669.
8. Каримов, А. (2010). Actual questions of China studying: Philology, philosophy, politics, economy and history.
9. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.
10. С.А.Насирова (2021). Политическая метафора (на примере материала по кадровой политике современной КНР). In *Resent Scientific Investigation* (pp. 69-73).

-
11. Хашимова, С. А. (2020). Особенности образования неодушевлённых существительных при помощи суффиксации в современном китайском языке. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 34-46.
 12. Nasirova, S. A. (2019). Modification of semantics of social terms of the modern Chinese language. *Opción: Revista de Ciencias Humanas y Sociales*, (24), 260-273.
 13. Хашимова, С. А. (2022). АГГЛЮТИНАТИВНАЯ ОСОБЕННОСТЬ СУФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 196-202.